

Media And Digital Environment Concepts: Theoretical Approaches

Rakhmonov Abrorbek Rustamovich

Doctor of Philosophy (PhD)

Namangan State University

Independent Researcherturktili2024@gmail.com

ABSTRACT

In the 21st century, media and digitalization have emerged as important factors of development. In the information age, media and digitalization not only improve people's lives, but also modernize them, and serve as an important driver for the economic growth of society. This research work analyzes the media and its content, types, and role in the social and economic life of society from a philosophical perspective. The advantages and disadvantages of digitalization policy, theories and approaches related to its development, and the reforms being carried out in the country are illustrated with evidence.

This article can be used as a methodological guide by researchers conducting scientific research and studies, students and teachers of higher education institutions, and representatives of state and public organizations.

ARTICLE INFO

Received: 10th February 2026

Accepted: 8th March 2026

KEY WORDS:

Digitalization, media, society, economy, education, social networks, information and communication technologies, mass media, Internet, platform, sites, electronic data.

Кириш (Introduction) Интернет алоқа тармоғи пайдо бўлгунга қадар дунёда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисаларнинг ривожини анъанавий тарзда маълум вақт оралиғида газета, журнал, телевидение орқали ёритиб келинган бўлса бугунги фан ва техниканинг ривожланиши, инсоният ақл ва тафаккурининг ўсиши натижасида инсонлар энди ахборотга исталган вақтда эга бўлиши, уни таҳлил қилиши ва фикр билдириш имкониятига эга бўлдилар. Дунё ҳамжамияти турмуш тарзига интернет, ижтимоий тармоқлар ва замонавий оммавий ахборот воситаларининг кириб келиши натижасида ҳар бир инсон ахборот ишлаб чиқарувчи, етказувчи ва уни қабул қилувчи воситага айланди. Глобаллашув жараёнлари натижасида медиа ва рақамли технологияларнинг ўсиб бориши инсонларнинг турмуш тарзини, яшаш шароитларни, қулайлик ва имкониятларни сезиларли даражада ижобий тарафга ўзгартирди. Шу ўринда савол туғилади: Медиа нима ва унинг асосий вазифаси нималардан иборат? Рақамли муҳитнинг афзаллик ва камчиликлари нималардан иборат? Мазкур тадқиқот ишида келтирилган саволларга жавоб бериш билан бирга рақамлаштириш ва медианинг жамиятга таъсири, унинг афзаллик ва камчиликлари фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Аксарият давлатлар медиа ва рақамлаштиришга оид дастур ва стратегияларни қабул қилиши билан бирга кўплаб тадқиқотчи ва олимлари бугунги кунга қадар ушбу соҳаларда илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борган.

Хусусан, Рус олими О.В. Карапаев “Рақамлаштиришнинг жамиятдаги ишлаб чиқариш соҳаларига таъсири” [1, 9-16] мавзусида илмий изланиш олиб борган бўлса, олима М.А. Жукова “Қишлоқ хўжалигини трансформация қилишда рақамли технологиялар механизмини такомиллаштириш” [2, 11-20] бўйича тадқиқот олиб борган.

Маҳаллий тадқиқотчи ва олимлардан Б.А.Бегалов ва Р.А. Дадабоевалар “Рақамли стратегия ва ахборот тизимлари” [3, 30-43] тўғрисида қўлланмасида ташкилотлардаги ахборот тизимларининг роли ва вазифалари, рақамлаштиришнинг афзаллик мезонлари ҳақида ёритиб ўтган.

Адабиётларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки медиа ва рақамлаштиришнинг мазмун моҳияти, назарий ёндашувлар, тизимнинг афзаллик ва камчиликлари тўлақонли ёритиб берилмаган. Натижада мавзуни давом эттиришга, тадқиқот ишларини якунига етказишга зарурият туғдиради.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқотда илмий билишнинг анализ, синтез, дедукция, индукция, тарихийлик, мантиқийлик, моделлаштириш, ретроспектив ва герменевтик талқин, тизимли таҳлил методларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси медиа ва рақамлаштириш тушунчаларининг маъно мазмунини аниқлашда, жамият ривожига таъсирини очиб беришда ёрдам беради.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Қадимдан давлатлар ахборотга эга бўлиш, мамлакатда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни халққа етказиш, янги фармон ва буйруқларни мамлакат бўйлаб тарқатиш масалаларига зарурият сифатида қарашган. Улар ўзларининг эҳтиёжларини жарчилар, чопарлар, карвон савдогарлари, масжид ва мадрасалардаги имомлар, руҳонийлар, қўшиқчи ва дostonчилар орқали амалга оширган. Бунинг учун бозорларда, кўча ва хиёбонларда, майдон ва чойхоналарда халқни йиғиб, фармону топшириқларни ўқиб эшиттирганлар. Сабаби оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда ОАВ деб юритилади) вазифасини бажарувчи бундай кишилар фақатгина оломонни бир жойга йиғиш орқалигина фармону янгиликларни етказган.

Ақл ва тафаккурининг аста секинлик билан ўсиши, дунёқарашининг кенгайиши бугунги кундаги ОАВ нинг илк кўринишлари бўлмиш газета, телевидение ва нашриёт каби анъанавий медиа воситаларни инсонларнинг турмуш тарзига олиб кирди. Бугунги кунга келиб барча соҳалар каби медиа соҳаси ҳам ривожланиб анъанавий медиалар ўрнини аста секинлик билан рақамли медиа (янги медиа) эгаллаб келмоқда. Натижада бирон маълумотни, воқеа ёки ҳодисани халққа етказиш учун махсус жиҳозланган хонада, белгиланган кийим бош кийиш аҳамиятсиз бўлиб ҳар бир инсоннинг ўзи медианинг бир элементи сифатида намоён бўлди. Медиа таълим тадқиқотчилари инсонни шундай тарифлайди: “Инсон медиа демак ва бошқа барча медиалар уни тешиб ўтади” [4, 19].

Албатта бугунги кунда жамиятдаги ҳар бир инсон ўзининг шахсий мобил телефони, смартфонни ёки компютери орқали ахборот яратиши, уни таҳлил қилиши, яратган ахборотини кимгадир узатиши ҳамда қабул қилувчининг фикр ва мулоҳазаларини билиш имкониятига эга.

Медиа атамаси-(лотинча-medium, яъни восита, воситачи, усул) турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситаси маъносини англатади [5, 47]. Медиа тушунчасига ахборотни яратиш, нусхалаттириш, тарқатиш воситаси ҳамда турли хил каналлар ва ОАВ нинг мураккаб тўплами сифатида ҳам қаралади. Содда қилиб айтганда медиа-ахборотларни яратиш, тарқатиш ва қабул қилишга хизмат қилувчи воситалар, платформалар ва технологиялар мажмуидир.

Медианинг илк кўринишлари қадимги даврга бориб тақалиб, ғорларда тошларга ўйиб ёзилган расмлар, сўзлар, шакл ва белгилар шулар жумласидандир. Бироқ ҳозирги замонавий “медиа” атамасини Канададаги Торонто тадқиқотлар институти изланувчилари файласуф Маршалл Маклюэн ва иқтисодчи Гарольд Иннислар “медиа-бу хабар” деган фикрни илгари суриб муомалага киритган [19].

Тарихда медиа ва унинг тузилиши бўйича кўплаб назариялар илгари сурилган. Хусусан, Америкалик математик, муҳандис –электрик Шеннон Уивер (ваф. 2001) коммуникацияни маълумот узатиш жараёни сифатида кўради ва уни 5 та асосий компонентдан ташкил топганлик назариясини илгари суради: “манба-узатувчи-канал-қабул қилувчи-фойдаланувчи: шовқин –ахборот бузилиши” [6, 11].

Америкалик сиёсатчи, социолог Гаролд Лассуэл (ваф.1978) медиа жараёни 5 та элементдан ташкил топганлиги “ким гапирябди-нима гапирябди-қандай гапирябди-кимга гапирябди-қандай таъсир билан” бўйича назарияни илгари суради [7, 18].

Тадқиқот олиб бориш жараёнида медианинг куйидаги турлари фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинди:

ОАВ-медианинг ушбу тури икки гуруҳга бўлиниб: анъанавий, босма -газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар

Электрон-телевидение, радио, видео, кинохроникал дастурлар Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар [8, 2].

Ижтимоий медиа-ижтимоий тармоқ платформалари (Facebook, YouTube, Telegram, WhatsApp, Instagram, Одноклсник, TikTok, Дзен, ВКонтакте.), сайтлар, корпоратив нашрлар ва блоглар [19].

Мултимедиа-мултимедиа “кўп, бир нечта медиа” дегани бўлиб бунда ахборот узатиш бир нечта воситалар ёрдамида амалга оширилади. Мисол учун видео кўринишда, график кўринишда, визуал кўринишда, аудио кўринишда каби. Маълумотни бундай узатиш усули энг самарали ва мақбул усуллардан бири саналади;

Маркетинг медиа- инсонларга товар ва хизматларни ОАВ орқали сотиш бозори;

Реклама медиа- ахборот, товар ва хизматларни медиа платформага юклаш орқали тарғиб қилиш;

Санат медиа- замонавий медиа технологияларидан фойдаланган ҳолда ижодий салоҳиятни намоёни қилиш усули;

Янги медиа ёки янги ОАВ (Рақамли медиа)- медианинг ушбу тури рақамли ва тармоқли коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Рақамли медианинг таркибий тузилмаси сифатида контент, платформалар, технологик инфратузилмалар ва аудиторияни келтириб ўтиш мумкин [9, 269];

Тактик медиа- медианинг ушбу тури муқобил медиа ҳам деб номланиб, жамиятда озчилик фикрини ифода этадиган, босма ва телевидениеларда кўрсатилмайдиган сиёсий компания ва тадбирларнинг норозилик ғояларини тарғиб қилувчи, кибермаконда тармоқ тарқатувчи арзон медиа тури ҳисобланади.

Антропологик медиа- контентни (медиа маҳсулотни) ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ўрганадиган антропологиянинг бир соҳасидир.

Директ медиа- янги медианинг элементларини ўз ичига олиб интернет алоқаси билан боғлиқ бўлган барча нарсалар смартфонлар, планшетлар, электрон почталар, онлайн нашрлар киради;

Ташувчи медиа- компьютерлар, электрон дисклар, флеш хотиралар, булутли сақлаш серверлари киради.

Электр медиа- телефон, телеграф ва овоз ёзувлари киради.

Бугунги кунда медиа атамаси ОАВ ёки масс-медиа тушунчаларининг синоними сифатида ҳам қўлланиб келинади.

Медианинг бугунги кунда жамиятда кўплаб вазифалари мавжуд. Жумладан, инсонлар ўртасида ахборот алмашинуви таъминлаш, янгилик ва жараёнларни ёритиб бориш, уларни изоҳлаш ва жамоатчиликка етказиш, аҳолининг билим даражасини ошириш, маданий ва кўнгилочар дастурлар яратиш, ҳукумат ва халқ орасидаги алоқани таъминлаш ҳамда журналистлар орқали буйруқ ва қарорларнинг ижро интизомини назорат қилиш.

Фан ва техниканинг ривожланиши дунё афкор оммасига янги саноат инқилоби даврини очиб берди. Инқилобнинг бундай кўриниши “рақамлаштириш” деб номланиб тўртинчи саноат инқилоби сифатида номлана бошланди.

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Н.Ф. Ғуломованинг тадқиқот ишида келтирилишича бугунги кунга қадар ўтмишда учта саноат инқилоби бўлиб ўтган. Жумладан,

биринчи саноат инқилоби Британияда тахм. 1760-1850 йилларда қишлоқ хўжалиги аграр соҳасини механизациялаштирилиши ҳамда темир йўлларни қурилиши;

иккинчи саноат инқилоби Европада тахм. 1870 йиллардан бошланиб салкам бир аср давом этган бўлиб электр энергияси, телевизор, телефон, радио воситаларининг ихтиро қилиниши билан изоҳланган

учинчи саноат инқилоби аввалгилардан фарқли равишда ахборот коммуникация технологияларининг ривожланишига асосланган бўлиб ярим ўтказгичлар, компьютер

қурилмаларининг кашф қилиниши билан бевосита боғлиқ жараён сифатида тарихда қолган. Учинчи саноат инқилоби 1960 йилдан бошлаб асосан Европа давлатларида кузатилган [10, 14].

Германиялик иқтисодчи, педагог Клаус Мартин Шваб ўзининг “Тўртинчи саноат инқилоби” номли китобида “Тўртинчи саноат инқилоби бу- ХХІ аср бошида вужудга кела бошлаган бўлиб рақамли инқилобга таянади” [11, 11] дея таъкидлаган.

Гарвард университети профессори, америкалик социолог, ёзувчи Дэниел Белл (ваф. 2011) жамиятнинг ривожланиши ҳақида шундай деган: “Жамият цивилизацияси учта даврни босиб ўтади. 1-давр-саноатгача бўлган давр, 2-давр-саноатлашган давр, 3-давр саноатдан кейинги давр. Саноатдан кейинги давр асосан ХХ аср охири ХХІ аср бошларига тўғри келиб, технологиялар саноатдан кўра аҳолига хизмат кўрсатишга, ахборот ва рақамли соҳаларни устувор қилишга йўналтирилган давр ҳисобланади. Ушбу давр телекоммуникация ва компьютер даври бўлиб, ахборот ва билим алмашинувидир” [12, 216].

Рақамлаштиришининг шиддат билан ўсишини Америка файласуфлар жамияти аъзоси, компьютер технологиялар соҳасида муҳандис Гордан Мур 1965 йилда илгари сурди. Яъни унга кўра “ҳисоблаш қурилмаларининг қуввати оз вақт ичида ҳайратланарли даражада ошишини башорат қилади” [13, 15]. У ўзининг назариясини Мур қонуни деб атади. Унга кўра микропроцессорлардаги транзисторларнинг сони ҳар йилда икки баробарга ошиб боради. Ҳақиқатдан ҳам унга кўра 1980 йилдан сўнг ҳисоблаш қурилмаларининг қуввати ҳар 1,5 йилда 2 баробарга ошди. Мисол учун биргина “Apple” А8 чипи 2 млрд. транзисторни ўз ичига олди. 2014 йилнинг сўнги уч ойида “Apple” компанияси 96 миллион “iphone” ва “ipad” лар сотди. [10, 14]. Ахборот технологияларнинг бундай тезкор ўсиши-рақамли иқтисодиёт, интернет ва дунё бўйлаб тарқаладиган билимлар инқилобининг яққол далилидир.

Ахборот технологияларининг бундай суратда ўсиши рақамли ва медиа оламидаги инқилобга сабаб бўлди. Бу каби назариялар корейлик олимлар Ха ва Чо ишларида ҳам ўз аксини топди. Улар тўртинчи саноат инқилобига “ҳамма нарсанинг ақли алоқа инқилоби” дея тариф бердилар [10, 14].

Ўзбекистон ҳукумати жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли учун қулай шарт шaroитлар яратиш мақсадида “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини қабул қилди. Унга кўра 2020-2022 йилларга мўлжалланган йўл харитасида “Электрон ҳукуматни ривожлантириш; Рақамли индустрияни ривожлантириш; Рақамли таълимни ривожлантириш; Рақамли инфратузилмани ривожлантириш” [14, 17] каби йўналишлар белгилаб берилди.

Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек “Рақамлаштириш билан шуғулланмасдан ривожланиш мумкин эмаслигини, бусиз келажагимиз йўқлигини тушуниб етишимиз керак” [17]

Рақамлаштириш-замонавий технологиялар асосида жамиятдаги инсонлар ҳаётини, иқтисодиётни ва давлат бошқарувини тез, қулай ва самарали қилиш жараёнидир.

Фан ва техника ривожланиши натижасида яратилган ҳар бир ихтиро, янгилик инсон ҳаётига кириб келиш натижасида ижобий ва салбий тарафлари юзага чиқа бошлайди. Рақамлаштиришнинг жамиятга кириб келиши ҳам қатор афзаллик ва камчиликларга эгадир.

Рақамлаштиришнинг афзаллик тарафлари:

Инсонларнинг вақти тежалишиши ва харажатларини камайиши: Бундан бир неча ўн йиллар олдинга назар солсак айрим маълумотларни олиш, ариза бериш, давлат муассасасига ишга кириш ёки керакли тўловларни амалга ошириш учун узундан узун навбат кутишлар, маълум бир масофани босиб ўтиш ёки айрим кишиларнинг кайфиятига қараб ишлаш ҳолатлари мавжуд бўлган. Рақамлаштириш орқали бундай салбий ҳолатларнинг олди олиниб, инсонларнинг вақти ва харажатларининг тежалишига эришилди.

Шаффофлик ва коррупцион ҳолатларни олдини олади: Рақамлаштиришдан кўзланган асосий мақсад тизимда инсон омилини камайтириш, коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик ва холис хизмат кўрсатишга эришишдир. Статистик маълумотларга назар солсак “2020 йилда турли даражадаги мансабдор шахслар томонидан 1 минг 723 нафар коррупцион жиноятлар содир бўлган” [15, 350]. Рақамлаштириш натижасида бундай ҳолатлар келиб чиқиши олди олинади.

Қулайликларни кўпайтиради: Сўнги йилларда инсонларнинг онлайн савдо қилишлари, электрон банк тўловларини амалга оширишлари, маъмурий ва юридик ҳужжатларни электрон шаклда

олиши ҳамда “*my.gov*” электрон портали орқали давлат хизматларидан фойдаланиш кўрсатгичи сезиларли даражада ошди. Мисол учун 2022 йилда “давлат хизматлари агентлигидаги хизматлар сони умумий 157 тага етиб, аҳолига хизмат кўрсатиш сони кунига 60 мингтагача етказилди” [15, 42]. Қилинаётган мурожаатлар электрон шаклда ижобий ҳал қилиниб фуқаролар оғирини енгил, узоғини яқин қилишга эришилмоқда.

Масофавий, сифатли таълим олишни таъминлайди; Рақамлаштиришнинг афзаллик тарафларидан яна бири талаба ва ўқувчиларни масофадан таълим олиши, уларни электрон баҳолаш ва давоматини юритиш, ҳамда электрон китоблар сонининг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Талабалар, профессор ва ўқитувчилар таркиби илмий фаолият билан шуғулланиши учун олий таълимдан кейинги таълимга ҳужжат топширишни электрон ҳолатга ўтиши, илмий иш матнларини “анти-плагиат” дастуридан текширтириш имконига эга бўлиши каби қулайликларни келтириб ўтиш мумкин.

Рақамлаштиришнинг камчилик тарафлари:

Кибержиноятлар сонининг ортиши; Сўнги йилларда инсонлар банк пластик карталардаги пуллари йўқолиши, номларига онлайн кредит расмийлаштириш, хакерлар ҳужуми натижасида шахсий маълумотларнинг тарқаб кетиши, маълумотлар базасига турли вирус дастурларининг таъсир қилиши билан боғлиқ салбий ҳолатларга дуч келмоқда. Статистик маълумотларга назар солсак “Тошкент шаҳрида 2021 йилда 106 та кибержиноят қайд этилган бўлса, 2022 йилда бундай жиноятлар 2081 тага, 2023 йилда эса 4332 тага кўпайган” [18].

Иш ўринларининг қисқариши; Сунъий интеллект, *Chat gpt* каби рақамлаштиришнинг юқори кўринишлари ишлаб чиқариш соҳасига кириб келиши кўплаб иш ўринлари қисқартирилишига сабаб бўлди. Эндиликда инсонлар бажарадиган фаолият роботлар ва рақамлаштириш технологиялари орқали бажарилмоқда. Американинг *The Times* нашрининг маълумотларига кўра “*Chat GPT* ишга туширилгандан бери Буюк Британияда бошланғич даражадаги иш ўринлари сони деярли учдан бирга — 31,9 % га қисқартирилди” [16].

Тизимда техник носозлик келиб чиқиши эҳтимолининг юқорилиги; Бундай камчиликларнинг келиб чиқиши давлат хизматларининг барчасини бир вақтнинг ўзида тўхтаб қолишига сабаб бўлади, банк карталари орқали тўлов қилиш имконининг йўқолиши, халқаро пул ўтказмалари ва бошқа амалиётларнинг кечикиб бажарилиши билан ноқулайликлар туғдиради.

Интернетга қарамлилик ҳиссининг ортиши; Рақамлаштиришнинг барча жараёнлари интернет алоқа тармоғи орқали амалга ошади. Натижада ёшлар айниқса болаларда онлайн ўйинларга қарамлилик, ижтимоий тармоқларга ҳаддан зиёд кўп вақт ажратиш, турли хил ёд ғоялар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бироқ бундай камчиликларга эътибор бериш, ундан катта фожиа яшаш мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда ривожланишини ортга суради. Бунинг учун аввало жамиятда инсонларнинг медиа саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект тушунчаларига замонавий қарашларини пайдо қилиш бундай муаммоли вазиятга ечим бўла олади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Тадқиқот олиб бориш натижалари шуни кўрсатдики давлатнинг дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши учун, аҳолига қулайлик ва имкониятлар яратиш учун, келажакда адолатли ва демократик жамият қуришда медиа ва рақамлаштириш муҳим омил эканлиги исботланди. Бунинг учун барча соҳаларини рақамлаштириш бўйича қилинган ишларни доимий равишда мониторингини юритиш, сунъий интеллектга асосланган ишлаб чиқариш технологияларининг имкониятларини аниқлаш бўйича илмий изланиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш, медианинг барча турларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича медиа саводхонликни ривожлантириш талаб қилинади.

Олинган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги **таклифлар** ишлаб чиқилди.

1. Мактаб ва олий таълим муассасаларида босқичма босқич сунъий интеллект, ИТ дастурлар ҳамда медиа саводхонликни ўқув дастурларига фан сифатида киргизиш, ўқув дарсликларини яратиш. Натижада ўсиб келаётган ёш авлод келажакда соҳа йўналишлари бўйича малакали мутахассис бўлиб

етишиб чиқиши, аҳолининг медиадан фойдаланиш маданиятининг шаклланиши ва жамиятнинг ривожланишига олиб келади;

2. Мамлакатнинг барча ҳудудларида интернет инфратузилма объектларини барпо қилиш. Қишлоқ ва чекка чекка туманларда босқичма босқич 5G тармоқларни яратиш. Натижада аҳолининг катта қисми рақамлаштириш ва медианинг қулайликларидан фойдаланиши, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига эришилади;

3. Рақамлаштириш муҳотида ахборот хавфсизлигини кучайтириш, киберхавфсизлик бўйича таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида тарғибот ишларини олиб бориш, рақамли медиа платформаларини ҳимоя қилувчи сервер инфратузилма объектларини яратиш. Натижада инсонларининг шахсий маълумотларининг сақланиши, моддий зарар етказилишининг олдини олишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Карапаев О.В. Влияние цифровизации на процесс общественного воспроизводства. Автореферат диссертации. С.9-16. Москва-2022.
2. Жукова М.А. Формирование механизма цифровой трансформации сельского хозяйства. Автореферат диссертации. С.11-20. Воронеж-2021.
3. Бегалов Б.А., Дадабоева Р.А. Рақамли стратегия ва ахборот тизимлари. Б.30-43. Тошкент-2024.
4. Муратова Н. Журналистикада медиа ва ахборот саводхонлиги. Б.19. Тошкент-2019.
5. Намазов Б., Файзиева М., Жалолов Ф. Медиа ва ахборот саводхонлиги. Б.47. Тошкент-2018.
6. Краснопрошин В.В., Вальвачев А.Н., Шаках Г. Журнал информатика. С. 11. Минск-2005.
7. Гаролд Д.Л. Техника пропанды в мировой войне. Б.18. Москва-2021.
8. Ўзбекистон Республикасининг 78 сонли “Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги” қонуни. Б.2.Тошкент-2007.
9. Муминова М.М. Рақамли медиани қўллашга оид компетенцияни шакллантиришнинг мазмун моҳияти. Журнал “Inter Education I global study”. 9 сон. Б.269. Тошкент-2024.
10. Гуломова Н.Ф. Ўзбекистон худудларида рақамли иқтисодий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Б.14. Тошкент 2021.
11. Klaus Schwab.The Fourth Industrial Revolution. P.11. World Economic Forum-2016.
12. Алексеев П.В. Социальная философия. Глава X. На пути к постиндустриальному обществу. С.216. Москва-2003.
13. Аноприенко А.Я. Обобщения закона Мура. Журнал информатика и кибернетика. С. 15. Донецк-2017.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрьдаги ПФ-6079 сонли “ Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида” қарори. Б.17. Тошкент-2020.
15. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Б.350. Б.42. Тошкент-2023.
16. “Gorizont” Telegram ижтимоий платформасининг 2025 йил 30 июн кунидаги мақола.
17. Электрон манба. <https://ijtimoiyfiqr.uz/matbuot-uchun/yangiliklar/1257.htm> Мурожаат қилинган сана 28.11.2025. соат 19:00
18. Электрон манба. <https://kun.uz/kr/news/2023/06/27/toshkentda-kiberjinoyatlar-soni-2-yil-ichida-40-barobarga-oshdi> Мурожаат қилинган сана. 28.11.2025. соат 20:00
19. Электрон манба <https://neiros.ru/blog/marketing/chto-znachit-media-i-ikh-4-osnovnykh-funktsii/> мурожаат қилинган сана. 28.11.2025. соат 13:50